



АҲОЛИ ВА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЯНГИ ИМКОНияТЛАР БЕРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида
2 декабрь куни қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш
ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича
видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Халқимизнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, турар жой олиш тартиби оsonлаштирилган эди. Жумладан, аҳолига ўзлари истаган уйни сотиб олиш имконияти яратилди. Натижада соҳага сифат ва рақобат кириб келди, ҳудудларда замонавий архитектура ечимларига эга лойиҳалар пайдо бўлди. Бугунги кунда ипотека дастурлари доирасида йилга 35 минг хонадонли уй-жойлар қурилмоқда.

Шунга қарамай, ипотека бозоридagi тақлиф талабга нисбатан кам. Аҳолида энг кўп талаб бўлган ўрта меъёردaги уйлар етарли эмас.

Бундан ташқари, жойи ёки нархи аҳолига маъқул бўлмагани учун жами 255 миллиард сўмлик 950 та хонадон сотилмасдан турибди. Айрим вилоятларда ер участкалари ўз вақтида аукционга чиқарилмагани сабабли уй-жойлар қурилиши кечиккан. Оқибатда давлатдан мақсадли кредитлар учун ажратилган маблағ ўзлаштирилмаган. Кўп вилоят ҳокимлари ва уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари пудратчи танлашда 2-3 та ташкилот билан чекланаётгани сифатга путур етказмоқда.

Самарқандда яхши тизим йўлга қўйилган. Вилоят ҳокимлиги лойиҳачи, қурувчи ва банкнинг “бошини бириктириб”, ҳамёнбон уйлар қурилиши ташкил этган. Шу боис, субсидиядан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам, кредитларни ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам юқори.

Келгуси йил мамлакатимизда ипотека дастурлари доирасида 50 мингга яқин хонадонли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бунга қарийб 13 триллион сўм мақсадли кредит ва 1 триллион 300 миллиард сўм субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Аҳоли ва қурувчиларга янги қўлайлик ва имкониятлар белгиланди.

Масалан, бугунги кунгача ипотека кредити ва субсидия олишда уй-жой майдони ва нархи билан боғлиқ чекловлар бор эди. Энди бундай чеклов бўлмайд.

Сотиб олинadиган хонадоннинг майдони ва нархидан қатъи назар, эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўланади. Шунингдек, эҳтиёжманд аҳоли

учун давлат томонидан қоплаб бериладиган субсидия миқдори барча ҳудудлар учун бир хил — 10 фоиз этиб белгиланади. Субсидиялар якка тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун олинган кредитлар учун ҳам татбиқ этилади.

Яна бир янгилик — ипотека кредити олишда қариндош бўлмаган фуқароларнинг қафиллигига ҳам рухсат берилади.

Келгуси йилдан ижтимоий аҳоли оғир хотин-қизлар, чин етимлар ва ногиронлиги бўлганларга иккиламчи бозордан уй олишга ҳам имконият яратилади.

Давлатимиз раҳбари одамларга оson бўлиши учун янги уйлар тўғрисидаги маълумотлар, уларни расмийлаштириш, субсидия ва кредит ажратиш хизматларини бир жойда ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

“Мақсадли ипотека омонати” механизми жорий этилиши белгиланди. Бунда “харидор — банк — қурувчи” ўртасида уч томонлама шартнома тузилади. Харидор банк орқали қурувчини молиялаштиради, банк эса уйнинг харидорга вақтида топширилишига қасфил бўлади.

Шунингдек, пудратчиларга қурилиши тугалланмаган, том қисми ёпилган кўп квартиралли уй-жойларни кредит тазминоти сифатида гаровга қўйишга рухсат берилади. Тадбиркорлик жамғармаси томонидан қурилиш ташкилотларига қасфиллик ва компенсация тўлаш муддати узайтирилади.

Рейтинги юқори бўлган пудратчи ташкилотларга ерни аукциондан сотиб олиш тўловининг аввал 30 фоизини, қолган суммани эса 12 ой давомида бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади.

Мутасаддиларга ушбу қўлайликларни ҳаётга татбиқ этиш, аҳоли ва тадбиркорларга кенг тушунтириш бўйича вазифалар қўйилди.

Бош прокуратурага қурилиш нархларини асоссиб ошириш, рақобатни бузиш, тасдиқланган лойиҳаларни ўзбошимчилик билан ўзгартириш, таниш-билишчиликка йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари нархини арзонлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда кластер усули самарали экани қайд этилди.

Масалан, Тошкент ва Навоий вилоятларида шундай кластерлар ташкил этилган бўлиб, қурилиш конструкцияларининг 80 фоизини ўзида ишлаб чиқаради ва пудрат ишларини ҳам ўзи бажаради. Натижада уйнинг 1 квадрат метри таннархи 3,5 миллион сўм бўлмоқда. Бу бошқа қурувчи корхоналарникига нисбатан 20 фоиз арзон.

Шу боис, ҳар бир ҳудудда қурилиш кластерлари ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

— Инфратузилма харажатларини қисқартириш учун бу кластерларни мавжуд хомашё ёки йирик корхоналар атрофида ташкил этиш керак. Масалан, Ҳозорда ташкил этилган кластер самарасини кўрсатди. Худди шундай, Ўзбекистон туманида 11 та цемент, гипсокартон, газоблок, темир-бетон, металл буюмлар, курук қоришмалар корхоналари ишга туширилмоқда. Уларнинг ёнида логистика, илм ва инновация марказлари, замонавий лаборатория ташкил этиб, бозорни ўрганишни бирлаштира, экспорт ва ички бозорларда рақобатдош кластер пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хорижий экспертлар хулосасига кўра, бундай имконият Фориш, Сарийосиё, Булоқбоши, Қоровулбозор, Пахтачи, Чуст, Оҳангарон каби туманларда ҳам бор. Шу боис, мутасаддиларга 24 та тумани қурилиш материалларига иختисослаштириб, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Келгуси йилда мазкур туманларда геология ишларини ўтказишга 100 миллиард сўм, янги ташкил этиладиган кластерлар инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, қурилиш кластерларига айланма маблағ учун 10 миллиард сўмдан револьвер кредитлар, замонавий техника ва ускуналар сотиб олиш учун 2 миллион долларлик узоқ муддатли кредитлар ҳамда 2 йилга божхона имтиёзлари бериладиган бўлди.

Маълумки, қурилиш сифати ва муддати кўп жиҳатдан ишлатилаётган материалларга боғлиқ. Лекин бугунги кунда юртимизда замонавий қурилиш материалларини қўллаш 25 фоизга ҳам етмайди. Аслида, замонавий материалларни ишлатиш ҳисобига қурилиш муддатини 30 фоизга, таннархни эса 20 фоизга камайтириш мумкин.

Қурилиш вазирлигига инновацион, энергетика-жамкор материалларни шаҳарсозлик меъёри қондаларига киритиш, уй-жойлар барпо этишда улардан фойдаланишни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Архитектура ва қурилиш йўналишидаги олий ўқув юрларини трансформация қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам ўтхталиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ РАҲБАРИЯТИ ВА ХАЛҚИНИ УШБУ ДАВЛАТ ТАШКИЛ ТОПГАННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни
Абу-Даби валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Қучлари Олий бош қўмондонни
ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Абу-Даби валиаҳдини, дўст Амирликлар раҳбарияти ва халқини ушбу мамлакат ташкил топганининг 50 йиллиги билан самимий қўтлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, бардавом тараққиёт ва равнақ тилади.

БААнинг давлат қурилиши ва иқтисодий ривожланишда юксак муваффақиятларга эришгани, улар кенг халқаро эътирофга сазовор бўлгани ва Дубай шаҳрида ўтаётган ЕХРО бутунжаҳон кўргазмасида яна бир бор намойиш этилгани алоҳида қайд этилди.

Суҳбатда кўп қиррали Ўзбекистон — БАА ҳамкорлиги кун тартибидaги долзарб масалалар қўриб чиқилди. Муқобил энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, бошқарув кадрларини тайёрлаш ва бошқа устувор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилинаётгани ҳамда Амирликларнинг етакчи ташкилотлари, компания ва молиявий институтлари иштирокидаги қўшма лойиҳалар муваффақиятли илгари сурилаётгани мамнуният билан эътироф этилди.

Узоқ муддатли шериклиkning янги илгор йўналиш ва дастурларини белгилаб олиш мақсадида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Абу-Даби валиаҳди Амирликларнинг ҳар доимгидек дўстона ва яқин икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини тасдиқлади ҳамда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорлиқни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Телефон орқали мулоқот дўстона, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БОШ ВАЗИРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР МАВЖУДЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан телефон орқали сўзлашди.**

Суҳбат аввалида Ўзбекистон етакчиси Амирликлар Вице-президентини кутлуғ байрам — ушбу мамлакат ташкил топганининг 50 йиллиги билан муборакбод этиб, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилақларини изҳор этди.

БАА ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва гуманитар тараққиётнинг барча соҳа ва йўналишларида катта ютуқларга эришаётгани, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани алоҳида

таъкидланди. Буларнинг барчаси Дубайда муваффақиятли ўтказилаётган ЕХРО бутунжаҳон кўргазмаси тадбирларида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Амирликлар Вице-президенти ҳар доимгидек яқин ва дўстона икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали шериклиқни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжуд эканини қайд этдилар.

Юқори технологиялар ва инновациялар, “яшил” энергетика, савдо ва логистика, шунингдек, интеллектуал салоҳиятни рўёбга чиқариш соҳаларида истиқболли қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол мулоқотни ва барча йўналишларда кенг қўламли ҳамкорлиқни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

Телефон орқали мулоқот очик, дўстона ва ишончли руҳда ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни
Бирлашган Араб Амирликларининг Бош вазири ўринбосари — Президент ишлари бўйича вазири
Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон етакчиси Амирликлар томонини миллий байрам — мамлакат ташкил топганининг 50 йиллиги билан самимий қўтлаб, дўст БАА халқига фаровонлик ва равнақ тилақларини изҳор этди.

Кенг қўламли Ўзбекистон — БАА ҳамкорлигининг стратегик йўналишларини

ривожлантириш масалалари қўриб чиқилди.

Қўшма инновацион лойиҳалар ва молиявий-техник кўмак дастурларини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бунда Дубайдаги ЕХРО бутунжаҳон кўргазмасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган мамлакатларимиз

салоҳиятини ҳисобга олиш лозимлиги қайд этилди.

Истиқболли лойиҳаларнинг янги портфелини шакллантириш учун яқин фурсатда ҳукуматлар делегацияларининг икки томонлама учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

ЎЗА

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НУРОНИЙЛАРГА ЭЪТИБОР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ



Беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бешта устувор йўналиш асосида мамлакатимизда барча соҳаларда шиддатли ислохотлар амалга оширилиб, энг аввало, халқни рози қилиш, одамларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар билан юксак натижаларга эришилди. Шу ўринда бешта устувор йўналиш бўйича бажарилган чора-тадбирлар замирида инсон ҳақ-хуқуқлари ва манфаатлари устувор аҳамият касб этганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Давоми 3-бетда

КУН МАВЗУСИ

АЁЛ — ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА БАҲТИЁРЛИК КАЙФИЯТИНИ ЯРАТУВЧИ



Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор ҳисобланади. Бу борада олдимизга қўйган максadларга эришишда оиланинг ўрни бекиёсдир. Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина, уни илдизи билан қуритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Конституциясининг 63-моддасида қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Асосий қонунимизнинг 26-моддасида эса ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шafқатсиз ёки инсон қадр-қиммати камситувчи бошқа тарздаги таъziққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Давоми 2-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

КУН МАВЗУСИ

АЁЛ — ОИЛА ВА ЖАМИЯТДА
БАХТИЁРЛИК КАЙФИЯТИНИ ЯРАТУВЧИРобахон МАХМУДОВА,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Донишмандлар жамиятнинг маданий даражаси аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деб бежиз таъкидламаган. Чунки айнан аёлларнинг тутган ўрни муайян жамиятнинг маданий-маънавий баркамоллиги индикаторидир. Аёлга нисбатан таъйиқлар, айниқса, турмуш ўртоғи томонидан зўравонлик ҳолатлари содир этилиши мутлақо мурося этиб бўлмайдиган ҳолат. Бунинг оқибатлари жамиятнинг маданий даражасига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Аёл — маданият ва тарбия бешиги ҳисобланадиган оила ўчоғини сақловчи. Аёл — оила ва жамиятда бахтиёрлик кайфиятини яратувчи. Аёл — оила аъзоларини камолотга эришиш ва янги ютуқларга илҳомлантирувчи шахс. Афсуски, жамиятда баъзан ана шу оддий ҳақиқатларга қўз юмиллади. Яқин-яқингача маиший низолар ёки маиший зўравонликларга кўпинча оиланинг ички муаммоси сифатида юзаси қараб келинган.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлаш, уларни таъйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган бежиз эмас.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғи БМТнинг 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси иштирақчилари ҳисобланади. Аёллар ҳуқуқларини таъминлаш БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастури кун тартибидеги 17 та мақсаддан биридир. Бошқача айтганда, халқаро ҳамжамият томонидан аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида тан олинган.

Мамлакатимиз БМТнинг бу конвенциясига 1995 йил 6 майда аъзо бўлган. Конвенциянинг асосий мақсади ва вазифаси гендер тенгликни таъминлаш баробарида, аёлларга нисбатан бўлган камситиш, зўравонлик ва таъйиқнинг олдини олишдир.

Шу мақсадда мамлакатимизда Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро кўни муносабати билан **жорий йил 25 ноябрдан 10 декабргача зўравонликка қарши курашишга қаратилган 16 кунлик кампания ўтказилмоқда**. Бу йилги кампания “**Зўравонлиқни дарҳол бартараф этамиз**” шиори остида ташкил этилди. Унинг доирасида бир қатор тарғибот тадбирлари, суровномалар, учрашувлар ҳамда акциялар бўлиб ўтмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оилавий ва маиший зўравонлиқнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, бундай ҳаракатлар қурбонига айланган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, 2020 йил 4 январда Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

2020 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга асосан, Маъмурий

Мазкур йўналишда “Йўл харитаси” ҳамда медиарежа тасдиқланди.

Ишчи гуруҳга юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда таъйиқга учраган ва зўравонликдан жабрланган 29 минг 541 хотин-қиз аниқланиб, барчасига ҳимоя ордери расмийлаштирилди. Уларга нисбатан зўравонлик қилган ёки таъйиқ ўтказган 62 минг 347 шахсга чекловлар ўрнатилди. Бу ҳолатларнинг барчаси профилактика инспекторлари томонидан назоратга олинди. Ҳимоя ордери берилган шахсларнинг муаммолари ана шундай оқилона ҳал этилиши натижасида 15 минг 485 оила яраштирилди.

Шундай бўлса-да, суд амалиёти ва статистикаси таҳлили оилавий низолар негизда аёлларга нисбатан зўравонлик ва таъйиқ ўтказиш ҳолатлари ханузгача учраётгани, бундай муносабатлар сони кўпайганини кўрсатмоқда.

Таҳлилларга кўра, судлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида аёлларга нисбатан зўравонлик ва таъйиқ ўтказиш бўйича 2 минг 423 шахсга нисбатан 2 минг 12 та жиноят иши қўрилган. Бу



жавобгарлик тўғрисидаги кодексга таъйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахс томонидан ҳимоя ордерида кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробаридан уч баробаригача жазима ёки 15 кунгача маъмурий қамоқ чораларини назарда тутувчи 206-модда киритилди. Жорий йил

ҳуқуқбузарликлар учун 1 минг 629 шахсга нисбатан айблов ҳукмлари чиқарилган. Бундай жиноятларни содир этгани учун шахсларнинг судланиши кўрсаткичи Тошкент (273 нафар шахс ёки 16 фоиз), Фарғона (197 нафар шахс ёки 12 фоиз), Самарқанд вилоятлари (158 нафар шахс ёки 9 фоиз) ва Тошкент шаҳрида



Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, таъйиқ ва зўравонлик учун қонунда белгиланган чоралар ва оқибатларни тушунтириш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида амалдаги судьялар томонидан “суд соати” дарслари ўтказишни тизимли равишда йўлга қўйиш ташаббуси кўрсатилди.

27 апрелда Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ҳузурида оилавий зўравонлиқнинг олдини олиш ва оилавий зўравонликдан жабр қўрилганларга амалий кўмак бериш бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

(176 нафар шахс ёки 11 фоиз) нисбатан бирмунча кўп.

Ушбу тоифадаги жиноятлар оқибатида жабрланган аёллар 2 минг 300 нафарни ташкил қилган. Бу кўрсаткич Тошкент (353 нафар

аёл ёки 15 фоиз), Фарғона (398 нафар аёл ёки 17 фоиз), Самарқанд вилоятлари (228 нафар аёл ёки 10 фоиз) ва Тошкент шаҳрида (225 нафар аёл ёки 10 фоиз) бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Жабрланган аёлларнинг 1976 нафари, яъни 86 фоизи ишсиз ҳисобланади. Жорий йилда ярашувга асосан тутатилган ишлар 492 тани ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 110 тага кўпайган.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан Жиноят кодексининг 118-моддасида назарда тутилган “номусга тегиш” жиноятини содир этгани учун 99 фуқаро судланган. Тошкент (27 нафар шахс ёки 27 фоиз), Самарқанд (13 нафар шахс ёки 13 фоиз) ҳамда Жиззах вилоятларида (7 нафар шахс ёки 7 фоиз) бу кўрсаткич бошқа ҳудудларга нисбатан юқори.

Таъйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахслар томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик юзасидан жорий йилнинг ҳисобот даврида 933 шахсга нисбатан 905 та маъмурий иш қўрилган. Шундан 744 шахсга жазо қўлланган.

Жамоавий тарбиявий аҳамиятини таъминлаш мақсадида бу тоифадаги ишларни маҳалла фуқаролари йигини идораларида сайёр судларда кўриш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Бундан қўзланган мақсад ҳар бир ҳолат бошқаларга сабоқ бўлиб, зўравонликка йўл қўйилишининг олдини олишга эришишдир.

Оиладаги зўравонлиқнинг олдини олиш ва бу муаммодан жабр қўрилганларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ташаббусларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилиши устидан доимий мониторингнинг таъминлаш юзасидан Олий суднинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Бугунги кунда ушбу ишчи гуруҳ аъзолари вазирлик ва идоралар билан белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун тезкор равишда ечим топиш талаб қилинадиган масалалар бўйича фикр алмашмоқда.

Президенти 2021 йил 6 ноябрь куни Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоян этиши учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги bosқичга кўтариш мақсадида миллий дастур қабул қилинишини таъкидлади. Мазкур миллий дастур лойиҳаси ишлаб чиқишида Олий суд ҳам ўз тақлифлари билан фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун жазо чораларини кучайтириш таклифи илгари сурилмоқда.

Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, таъйиқ ва зўравонлик учун қонунда белгиланган чоралар ва оқибатларни тушунтириш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида амалдаги судьялар томонидан “суд соати” дарслари ўтказишни тизимли равишда йўлга қўйиш ташаббуси кўрсатилди.

Амалга оширилаётган бундай ишлар ва яқин истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, оилавий зўравонликка барҳам берилишига хизмат қилади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат ва эркинлик бўлади. Зеро, аёл бахти оила ва жамият фаровонлиги асосидир.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида 2021 йилда экспорт дастури бажарилишини таъминлаш ҳамда 2022 йил учун кафолатланган экспорт захираларини яратиш бўйича масъул вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги танқидий кўриб чиқилди.

Мажлисида инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **А.Войтов**, қишлоқ ҳўжалиги вазири **Ж.Хўжаев**, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси **И.Хайдаров**, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси **М.Юнусов** ва Наманган вилояти ҳокими **Ш.Абдураззоқов**нинг экспорт дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида жорий йил январь-октябрь ойлари якунларида кўра жами **9,7 млрд. доллар** миқдорида товар ва хизматлар экспорт қилиниб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **31 фоиз** ошгани, бунда асосий экспорт ҳажмлари **тўқимачилик, озик-овқат, қурилиш материаллари, маиший техника, транспорт воситалари** каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳамда **транспорт, туризм, телекоммуникация** хизматлари ҳиссасига тўғри келгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида 1,9 мингта янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар томонидан 561 млн. долларлик экспорт амалга оширилгани ҳамда 157 турдаги янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Мажлис давомида, шунингдек, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳамда мева-сабзавот экспортини ташкил этиш борасида мавжуд камчиликлар батафсил кўриб чиқилди.

Масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарлар, хусусан,

Беруний (Сапарбоев), **Хўжа-обод** (Ахмадалиев), **Яккабоб** (Абдуллаев), **Чортоқ** (Отахўжаев), **Каттакўрғон** (Насриддинов), **Бўстонлиқ** (Аҳмедов) ва **Учкўприк** (Маҳмудалиев) туманлари ҳокимларига нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга, қўшимча захираларни эътиборда тутган ва таҳлилий ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда, жорий йил якунига қадар юқори ўсиш суръатларини, ҳажмларини оширишни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

жорий йилнинг декабрь ойида тегишли вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари томонидан республика ҳудудларига чиққан ҳолда, экспортчи корхоналар фаолиятини манзилли ўрганиш, уларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари экспорт ҳажмларини янада кенгайтириш чораларини кўриш;

инвестиция дастурлари доирасида жорий йилда ишга туширилган янги корхоналарни экспортга жалб этиш чораларини кўриш;

Экспортни рағбатлантириш агентлиги имкониятларидан янада кенгрок фойдаланиш.

Муҳокамалар якунига кўра Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёни қабул қилинди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР
УСТУВОР АҲАМИЯТГА ЭГА

Орал АТНИЁЗОВА,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини
ривожлантириш масалалари қўмитаси аъзоси

Испаниянинг Мадрид шаҳрида Парламентлараро иттифоқнинг 143-ассамблеяси бўлиб ўтди. “Демократия учун замонавий таҳдидлар: тафовутларни енгиб ўтиш ва ҳамжамиятларни барпо этиш” мавзусидаги халқаро анжуманда Парламент ассамблеясига аъзо 123 та парламент, 20 та кузатувчи давлат ва 8 та халқаро ташкилотдан 1,5 мингта яқин делегат иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси **Т.Норбоева** бошчилигидаги делегация ҳам бор.

Тадбирда сўзга чиққан БМТ Бош Ассамблеяси раиси А.Шаҳид, БМТ Бош қотиби А.Гутерриш ва бошқалар парламент дипломатиясининг устувор роли, шунингдек, БМТ битимларини амалга оширишда вакиллик органлари фаолияти муҳимлигини таъкидлади. Улар БМТ ва Парламентлараро иттифоқ ўртасидаги стратегик шерикликни янада

мустаҳкамлашга содиқ эканини тасдиқлади.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати раиси **Т.Норбоева** сўзга чиқиб, нуфузли анжуман иштирокчиларини аниқ ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги муҳим ислохотлар билан таништирди. Таъкидланганидек, бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев



раҳбарлигида мамлакатимизда халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳоли ҳуқуқлари ва ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар ҳамда демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги

ропини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ёшларни мамлакат ижтимоий ҳаётига кенг жалб этиш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бундай муҳим ютуқ ва натижаларни халқаро ҳамжамият ҳам катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Ушбу тадбир ва унинг доирасида бўлиб ўтган қатор учрашувларда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилинди.

Хусусан, **Т.Норбоева** Парламентлараро иттифонинг 143-ассамблеяси доирасида ташкилот президенти Дуарте Пачеко, бош қотиби Мартин Чунгонг, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Пак Бён Соқ, Баҳрайн Подшоҳлиги Миллий мажлиси Депутатлар палатаси раиси Фаузия Абдулла Зейнал, Араб парламенти раиси А. Ал-Асумий ва бошқалар билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотларда хорижлик парламен-

тарийлар, аввало, юртимизда жорий йилда муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови муваффақиятли, очик ва ошора, демократик тамойилларга мос ўтганини таъкидлади. Шу билан бирга, жамиятимизнинг турли соҳаларида кечаётган ислохотлар, эришилаётган натижаларни алоҳида эътироф этди.

Жумладан, Дуарте Пачеко Ўзбекистондаги ёшлар сиёсати Парламентлараро иттифоқ стратегияси билан ҳамоханг эканини таъкидлади. У мамлакатимиз парламентида ёшларнинг вакилчилигини юқори баҳолади.

Айтиш кераки, кўпгина ривожланган мамлакатларда ёшлар парламентда кўпи билан 3 фоиз ўринга эга. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич икки баробар юқори. Парламентлараро иттифоқ Ўзбекистоннинг мамлакат қонун чиқарувчи органида ёшлар сонини кўпайтириш ниятини олқишлади.

Бугунги кунда халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилаётган яна бир муҳим ютуғимиз Ўзбекистон парламенти аъзолари умумий сонининг 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этишидир. Бу жаҳондаги энг яхши кўрсаткичлардан бири экани қайд қилинди. Юртимизда гендер тенглик соҳасидаги ислохотларга ижобий баҳо берилди. Бундан ташқари, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида юр-

тимизда амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида эътироф этилди.

Парламентлар аёл раҳбарларининг навбатдаги саммити 2022 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтиши ҳам ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётганини ифода қилди. Хорижлик ҳамкасбларимизнинг аксарияти ушбу нуфузли форумнинг юксак савияда ташкил этилишига ишонч билдирди ва унда иштирок этиш учун келаси йил Ўзбекистонга ташриф буюриш ниятида эканини маълум қилди. Табиийки, бу ишонч ва эътибор Президентимиз илгари сураётган муҳим ташаббус — “**биз — дунёга, дунё — бизга очик бўлиши керак**” **тамоийлини** таъминлашдек эзгу мақсадларимизга эришишда муҳим қадамлардан бири бўлади.

Тадбир ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ана шундай фойдали мулоқотлар ва муҳим воқеяларга бой ўтди. Бевоқиф мулоқотларда парламентлараро ва минтақалараро алоқаларни ривожлантириш, мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар ҳамкорлик салоҳиятини бойитишда парламентлар роли муҳокама этилди. Ҳамкорлик соҳаларида бир қатор келишувларга эришилди. Бу мулоқотлар нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг фаровон келажагига хизмат қилди.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НУРОНИЙЛАРГА ЭЪТИБОР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ



Содиқжон ТУРДИЕВ, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари, Сенат аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида комплекс фаолият йўлга қўйилди. Маҳаллаларда кексалар ишлари бўйича жамоатчилик асосида фаолият юритадиган раис маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Барча шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган “Нуронийлар масканлари”да кўпни қўрган, катта ҳаётий тажрибага эга, ўзининг ибратли умр йўли билан обрў-эътибор қозонган кексаларимизнинг панд-насиҳатлари, маслаҳатлари маҳаллалар ва оилалардаги муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга, ишловчи пенсионерларга пенсияларни 100 фоиз миқдорда, нақд пулда тўлаш тизими йўлга қўйилгани ёши улуг инсонлар кўнглини тоғдек кўтариб, уларда шу жамиятга керак инсон эканман, деган мамнуният ҳиссини уйғотди. 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ҳар йили соғломлаштириш масканларига юбориш тизими йўлга қўйилди. Бундай масканларга бора олмаган нуронийларга эса йўлланманинг ўртача нархига тенг компенсация олиш ҳуқуқи берилди.

Қасаба уюшмалари федерацияси маблағларининг 30 фоизи, аввало, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийларини соғломлаштиришга йўналтирилмоқда. Расмий байрамлар ҳамда март ойида ўтказиладиган маҳалла ходимлари кўни доирасида “Нуроний” жамғармаси ҳисобидан уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиш тизими жорий этилди. Қолаверса, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати”, “Бувижонлар мактаби” гуруҳларининг ташкил этилгани ёшлар тарбиясида долзарб аҳамият касб этмоқда.

“Маҳаллаларда маънавий муҳитни янада яхшилашнинг энг самарали тизими сифатида йўлга қўйилган “Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида 30 минг 428 нуроний 147 минг 186 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюшмаган ёшга бириктирилди.

Энг фидойи, меҳнатқаш, эл-юрт манфаатлари йўлида сикдикдилдан меҳнат қилиб, барчага ибрат кўрсатган нуронийларимиз учун “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат Фахрийси” кўрак нишони таъсис этилгани ҳам кекса авлод вакиллари учун яна бир юксак эътироф намунаси бўлди.

Ўз навбатида, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Натижада ўтган беш йил ичида кекса ёшдагилар, имконияти чекланган фуқаролар ва якка-ёлғиз кексаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифати кескин яхшиланди.

“Давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан уларнинг ҳар бирига 12 миллион сўмдан моддий ёрдам ва эсдалик совғалар топширилди. 73 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг муборак Ҳаж сафарига бориб, мусулмонлик фарзини бажариши учун 825 миллион сўм маблағ сарфланди. Улар муқаддас сафардан қайтгач, Россиянинг Кисловодск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаторийси ва юртимиздаги сиҳаттоҳларда бепул даволаниши ва дам олишига шароит яратилди.

Жумладан, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёши улуг инсонларнинг барчаси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларда аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш учун патронаж ҳамширалари бириктирилди. Ҳамширалар кекса ёшдаги фуқаролар саломатлигини доимий назорат қилиб бормоқда. Шу билан бирга, республикамиз бўйича 15 минг 500 нафар ёлғиз кексага шахсий ижтимоий ходимлар бириктирилиб, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш чоралари кўрилди.

Давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши фахрийларига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилда Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан уларнинг ҳар бирига 12 миллион сўмдан моддий ёрдам ва эсдалик совғалар топширилди. 73 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг муборак Ҳаж сафарига бориб, мусулмонлик фарзини бажариши учун 825 миллион сўм маблағ сарфланди. Улар муқаддас сафардан қайтгач, Россиянинг Кисловодск шаҳридаги “Ўзбекистон” санаторийси ва юртимиздаги сиҳаттоҳларда бепул даволаниши ва дам олишига шароит яратилди.

Ўз навбатида, боқувчисини йўқотган қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳам доимий диққат-эътиборимизда турибди. Уларга жорий йилда 569 мингга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. 1 миллион 125 мингга яқин фахрийнинг муқаддас қадамжоларга саёҳати уюштирилди. Улар ҳар 6 ойда тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан 378 миллион сўмлик турли дори воситалари уруш қатнашчилари, ёлғиз пенсионер ва ногиронларга бепул етказиб берилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги”, ноябрь ойи эса “Кексалар учун туризм ойлиги” этиб белгиланди. Шу ўринда бир мулоҳазани алоҳида таъкидлаб ўтишни ўринли деб ҳисоблайман. Яъни БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциясига асосан, ҳар йили 1 октябрь — Халқаро қариялар кўни деб эълон қилинган. Мамлакатимизда эса октябрь ойининг бир кўни эмас, бир ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” сифатида нишонланиши Ўзбекистонда ёши улуг инсонларни эъзозлаш ва ардоқлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишлар юқори даражага кўтарилганидан далolat.

Ушбу ҳафталик жорий йилда ҳам юқори уюшқоқлик билан ташкил этилди. Унинг доирасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан

кўрсатилди. “Саховат” ва “Мурувват” уйларидаги кексалар учун эса маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг 129 шаҳар ва туманидан 6692 нафар нуроний “Янги Ўзбекистон” боғига, 167 та шаҳар ва тумандан 61 минг 466 нафар кекса ҳудудлардаги музейлар ва зиёратгоҳларга саёҳатга олиб борилди.

Нуронийларимиз чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Маҳаллаларда шахмат-шашка, пиёда юриш, волейбол, мини футбол, стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил этилиб, уларда 169 мингдан зиёд нуронийлар иштирок этди. Кайвониларимиз иштирокида оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга 270 мингга яқин ёшлар жалб этилди. “Ўзбекистон — умумий уйимиз” шиори остида турли миллат вакиллари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар, амалий санъат, ҳунармандлик буюмлари, миллий маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди.

Ҳафталик доирасида 2 та “Нуронийлар маскани”, 96 та маҳалла идораси



бинолари ва 141 та бошқа объектлар фойдаланишига топширилди.

Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган “Кексалар туризм ойлиги” доирасида эса Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда 580 нафар биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган нуронийга саёҳат қилиши учун бепул йўлланма берилди. Шунинг баробаридан, туризм ойлигида кексалар учун турли чегирма ва имтиёзлар ҳам жорий қилинди. Жумладан, 210 та меҳмонхона ва меҳмон уйи, 115 та умумий овқатланиш жойидаги хизматлар учун ихтиёрий чегирмалар қўлланди. Биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган кексаларга, 55 ёшдан ошган аёллар ва 60 ёшдан ошган эркекларга самолёт, поезд ва автобусларда саёҳатга бориши учун 10 фоиздан 25 фоизгача чегирмалар жорий этилгани эса республикамиз бўйлаб саёҳат қилиш истагидаги отахону онахонлар учун айна муддао бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан барча зиёратгоҳ ва қадамжоларга кириш кекса ёшдаги фуқаролар учун текин қилиб қўйди. Маданият вазирлиги тасаруфидagi театрларга эса нуронийлар учун имтиёзли чипталар жорий этилди. Туризм ва спорт вазирлиги томонидан 14 та ҳудуд бўйича зиёратгоҳлар ва қадамжоларни Ўзаро боғлаган ички туризм саёҳат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, республикамизда биринчи гуруҳ ногиронлиги



бўлган, уйда ётиб қолган кексаларнинг 83 мингдан зиёди, шифохонада даволанаётган 6124 нафарининг ҳолидан хабар олинди. Уларга зарур дори-дармон воситалари тарқатилди. Шунингдек, уйда ётиб қолган 6852 нафар, шифохонада даволанаётган 2699 нафар якка-ёлғиз кекса ҳам керакли дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди.

Маълумки, кейинги вақтларда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллалар ва турли жамоаларда “Саломатлик учун беш минг қадам” ҳаракати анъана тусига кирди. Мунтазам ташкил этиб келинаётган мажлис тадбирларда ҳам ёши улуг инсонлар барча

оилалар ҳаётига оид ҳар бир масалани оқилона ҳал этишда кўпни қўрган, катта ҳаётий тажрибага эга пир убадавлат отахону онахонларимизнинг панду на-сиҳатлари, йўл-йўриқ ва маслаҳатлари муҳим ўрин тутмоқда.

Натижада кўпни қўрган нуронийларимиз аралашуви билан 13 минг 331 та

қўллаб-қувватлаб, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракатида.

Президентимиз томонидан келгуси беш йил учун тақдим этилган Янги Ўзбекистон стратегиясида нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган янгича мазмун-моҳиятга

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида изчил олиб борилаётган, ҳеч қачон ортга қайтмайдиغان ҳаётбахш ислохотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида мамлакатимизда истиқомат қилаётган 3 миллионга яқин нуронийлар ҳам ташаббусни қўлга олиб, бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошираверади.

нотинч оила яраштирилди, 5264 нафар вояга етмаган профилактик ҳисобдан чиқарилиб, спиртли ичимликка ружу қўйган 3253 нафар шахснинг бундай иллатдан ҳалос бўлишига эришилди.

Маҳаллаларда маънавий муҳитни янада яхшилашнинг энг самарали тизими сифатида йўлга қўйилган “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий” тамойили асосида 30 минг 428 нуроний 147 минг 186 нафар тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож ва уюшмаган ёшга бириктирилди. Айни вақтда мураббий-нуронийларимиз ёшлар маънавиятини ошириш, улар онгига ватанпарварлик туйғуларини камол топтириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишларни давом эттирмоқда. Натижада маҳаллаларда тарбияси оғир ёшлар иштирокидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлашнинг янги ҳаётий услублари кенг жорий этилмоқда.

Дарҳақиқат, кексалик даврига етишнинг ўзи бахт. Соғча оқ, юза ажини тушининг ҳам ўз ҳикмати бор. 70-80 ёшга кирганлар чехрасида донишмандлик, оқиллик белгиларини кўради. Халқимиз азал-азалдан ёши улуг кишиларни қадрлаган, иссиқ-совуғидан хабардор бўлган, уларга маслаҳат солган. Бугун ана шу боқий қадрият давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кўп сонли меҳнат фахрийлари, пир убадавлат кайвониларнинг саломатлигини асраш, ҳаёт тарзини яхшилаш, умр кўриш даражасини ошириш бўйича муайян натижалар қўлга киритилмоқда.

Мухтасар айтганда, инсон қадри улуғланаётган янги Ўзбекистонда нуронийларимизга кўрсатилаётган бу қадар вакилларига айланиб бораётганини куча зиёратгоҳ ва қадамжоларга кириш кекса ёшдаги фуқаролар учун текин қилиб қўйди. Маданият вазирлиги тасаруфидagi театрларга эса нуронийлар учун имтиёзли чипталар жорий этилди. Туризм ва спорт вазирлиги томонидан 14 та ҳудуд бўйича зиёратгоҳлар ва қадамжоларни Ўзаро боғлаган ички туризм саёҳат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, республикамизда биринчи гуруҳ ногиронлиги

бой чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилгани ёши улуг инсонларга янада мамнуният бахш этиб, куч-ғайрат, шижоатини оширганлини алоҳида эътироф этиш лозим. Жумладан, мамлакатимиз тараққиётининг келгуси бош режасида нуронийларимизнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган “Уч авлод учрашуви”, “Кексалар ҳафталиги” сингари маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш, умуман, ҳар бир туманда фахрийларни қўллаб-қувватлаш ишларини кенгайтириш учун алоҳида дастурлар тузиб, амалга оширилиши белгилан берилди. Шунингдек, жамиятимизда меҳр-оқибат, мурувват ва саховат тамойилларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши, энг муҳими, бу тизим амалда ишлаши ва ушбу тоифадаги инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишига эришиш зарурлиги белгиланди. Жаҳон тажрибасидан қўлиб чиқиб, ноғиронлиги бўлган фуқароларни кенгайтириш иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш учун уларга аниқ квоталар белгилан бўйича амалдаги қонунчилигимизга тегишли ўзгаришлар киритиш вазифаси ҳам уларни Ўзбекистон стратегиясида устувор ўрин эгаллади.

Мухтасар айтганда, миллий ривожланиш йўлида ўтган даврда орттирилган тажрибамизга таянган ҳолда, Янги Ўзбекистон стратегиясида барча соҳа ва тармоқлар, минтақа ва ҳудудлар, хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича олдимизга янада юксак вазифалар қўйилмоқда.

Бу улуғвор мақсад ва гоёларни амалга ошириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида изчил олиб борилаётган, ҳеч қачон ортга қайтмайдиغان ҳаётбахш ислохотлар самарадорлигини таъминлаш йўлида мамлакатимизда истиқомат қилаётган 3 миллионга яқин нуронийлар ҳам ташаббусни қўлга олиб, бир ёқадан бош чиқариб, аҳиллик ва ҳамжиҳатликда фаол саъй-ҳаракатларни амалга ошираверади.



**Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Президентимиз топшириғига биноан, яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ва Жиззах вилояти ҳоқими Эргаш Салиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан воҳодаги аёлларнинг бандлигини таъминлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган тадбиркор Шарофат Нориеванинг иш тажрибаси ўрганилди. Маълум бўлишича, ишбилармон томонидан Шароф Рашидов туманида ташкил этилган МЧЖ шаклидаги “Гулчи опа томорқа хизматлари” кластерида айти пайтда 114 нафар хотин-қиз доимий, 200 нафари эса мавсумий иш билан таъминланган.

— Бундан йигирма беш йил аввал ўз томорқамда гул етиштира бошладим, — дейди Ш.Нориева. — Бошида бўш вақтимни мазмунли ўтказиш мақсадида шу ишга қўл урдим. Кейин эса бу йомуш кундалик эҳтиёжимга айланди. Бугун жамоамиз билан етиштираётган анвоий гулларимиз нафақат Жиззах, балки Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари хиёбонларини ҳам безаб турибди.

Асли касби тиббиёт ҳамшираси бўлган Шарофат опа юртимизда тадбиркорлик учун кенг йўл очилгандан кейин бу соҳага жиддий киришди. Туманда “Холмўминов Зоҳид” фермер хўжалигини ташкил этди. Бошида 25 гектар майдонни эгаллаган богда турли мевали ва манзарали дарахтлар, хиёбонбол майсалар, буталар ва гул кўчатларини етиштирди.

Тадбиркор аёл бошқараётган фермер хўжалиги қисқа вақт ичида кўп тармоқли субъектга айланди. Бундан бир неча ой аввал хўжалик даласига АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси жамоатчилиги билан алоқалар бўлими раҳбари Алексис Салливан хоним ташриф буюрди. Одий ўзбек аёли томонидан ташкил қилинган кичкина меҳнат жамоаси 15 йил ичида йирик хўжалик субъектига айлангани мартабали меҳмон эътиборини тортиди. Меҳмон ушбу жамоа аъзолари гулчилик билан бир қаторда пахтачилик, ғаллачилик, балиқчилик, паррандачилик, қуёнчилик, эчкичилик соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришиб келаётганидан хайратланганини яшириб ўтирмади.

Салливан хоним Шарофат Нориеванинг нафақат аграр соҳада, балки тикувчилик, эшик-дераза ромлари ясаш хўжалигини ишга туширганига, унинг раҳбарлигида давлат-хусусий шериклик асосида 2 та мактабга таълим ташкилоти, замонавий қаҳвахона ишлаб турганига

гувоҳ бўлди. АҚШлик дипломат Олмачи маҳалласида ташкил этилган мўъжазгина кутубхона ҳам шу ишбилармонга тегишли эканидан хабар топгач, “Шарофатнинг ишлари, у эришаётган натижаларни кўриб, ҳавас қилдим, ўзимнинг ҳам фермер бўлгим келяпти!” деб юборгани рост.

Дарҳақиқат, Шарофат Нориева Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожини йўлида амалга оширилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Утган йили ўғли Зоҳидбекнинг 17 гектар ер олиб, Ёшлар кооперацияси ташкил қилишига ҳам бош-қош бўлди. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг 15 нафардан ортиқ ўғил-қизи шу ҳудудда деҳқончилик билан шуғулланиб, икки-уч марта ҳосил олди, хонадонлари даромадини оширди.

Фермер 50 нафар кўни-қўшни аёлни жамлаб, улар билан томорқадан фойда олиш сирларини ўртоқлашди. Техника,

уруғ, эҳтиёжмандларга ишчи кучидан ёрдам берди. Австралиядан сут беришга мослашган 400 бош зотдор эчки олиб келди. Уларнинг 50 бошини “Темир дафтар”га киритилган оилаларга бўлиб берди.

Шунча хайрли ва савобли ишлардан кейин Ш.Нориеванинг яна бир йирик лойиҳа — ҳудуддаги хотин-қизларни иш билан таъминлашни ўз зиммасига олаётган агрокластерга асос солганига хайрон бўлмайсиз, киши. Республика ҳамда вилоят миқёсидаги ишчи гуруҳ ўрганишларидан кейин чиқарилган хулосалар эса тадбиркор аёлнинг бу соҳада ҳам муваффақият қозонишига ишонч уйғотди.

— Айрим далил ва рақамларга эътиборингизни қаратаман, — дейди вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Нурбек Очилгов. — Бугунги кунда 50 турдаги гул ҳамда 15 турдаги мевали ва манзарали кўчат етиштириш билан шуғулланаётган “Гулчи опа томорқа хизматлари” кластери 200 та хонадон билан кооперация асосида ҳамкорликни йўлга қўйган. Бир сотих бўш ерга эга бўлган хонадонларнинг ҳар бирига октябрь-ноябрь ойларида 5 минг дона хризантема, митти атиргул, кала ва кан гуллари қаламчаларини бепул етказиб берди. Май ойида бу гулларнинг ҳар бирини тўрт ярим минг сўмдан сотиб олишни ўз зиммасига олмоқда. Ноябрь ойида, шунингдек, ушбу оилаларга 5 тупдан ток, хурмо ва бошқа турдаги мевали, 200 тупдан павловния дарахти кўчатлари бепул тарқатилди. Бир йилдан сўнг павловниянинг ҳар тупи 8-10 минг сўмдан, уч йилдан кейин эса мевали дарахтлар ҳосилини



тўлиқ бозор нархларида сотиб олиш ҳам кластер томонидан қафолатланади.

Тадбиркор февраль ойида 2 мингта махсус елимхалтага солинган тарвуз, помидор, булғор қалампери каби экинлар уругини аҳолига текин етказиб бериш ниятида. Апрель ойида униб чиққан кўчатларнинг ҳар бири камида 500 сўмдан сотиб олинади.

— Шарофат синглимиз билан ҳамкорлик қилаётган хонадонлар шу йилнинг ўзиданоқ даромад ола бошлади, — дейди меҳнат фахрийси Пирхоний Бозорова. — Улар ҳовлиларида қадалган кўчатлар тағига пленка тортиб, элимиз суюб истеъмол қиладиган исмалоқ уруғи сепишди. Айти пайтда ўсимлик униб чиқди ва уни янги йил арафасида йиғиштириб олиш ниятида. Кластер ана шу исмалоқнинг 1 килограммини 4,5 минг сўмдан харид қилишни зиммасига олмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, май ойигача 1 сотих ерга экилган исмалоқдан 1 тонна ҳосил олиш мумкин экан. Энди фойдани ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, кооперация асосида ҳамкорлик қилган хонадон эгаси гул кўчатларидан 18 миллион, тарвуз, помидор, булғор қалампери кўчатларидан 1 миллион, павловниядан 1,8 миллион, исмалоқдан 4,5 миллион сўм, жами бир йилда 25 миллион сўмдан ортиқ даромад кўраркан.

— Тасарруфимда 2 сотих ер мавжуд, — дейди Олмачи қишлоғида яшовчи Малҳат Ҳасанова. — Кам даромадли оила аъзоси сифатида “Аёллар дафтари”га киритилганман. Шарофат опа билан

ҳамкорлик натижасида ёнимдан бир тийин сарфламаган ҳолда, ойига тўрт-тўрт ярим миллион, бир йилда 50 миллион сўм даромадга эга бўлишим учун имконият яратилди. Биздан фақат астойдил меҳнат, томорқамизда чин дилдан ишлаш талаб этилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш жоизки, “Гулчи опа томорқа хизматлари” кластери жамоасининг чорвачилик соҳасида ҳам муайян режалари бор. Бугунги кунда хўжалик ихтиёрида 80 бош йирик шохли, 200 бош майда шохли чорва моллари, 6 мингта парранда мавжуд. Тадбиркор раҳбарлигидаги жамоа ушбу йўналишларда ҳам хонадонлар билан кооперация асосида ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

— Бузоқлаш арафасидаги сигирларни хонадонларга тарқатиш, уларга ем-хашакни бепул етказиб беришни кўзлаб турибмиз, — дейди кластер мутахассиси Озода Эргашева. — Кейин бузоқлаган сигирнинг 1 литр сутини 4 минг сўмдан, бузоғини эса бир йилдан сўнг бозор нархининг ярим баҳосида сотиб оламиз. Уй эгаси бир бош сигир боқиб, йилига ўртача 7 миллион сўм даромад олади. Яна, шунингдек, ҳар бири 1 миллион 200 минг сўм бўлган 5 бош қўй-эчкини ҳам хонадонларга тарқатиб, 2 миллион сўмлик ем-хашакни бепул етказиб берамиз. Уч ойдан сўнг жониворларнинг ҳар бири камида 2–2,5 миллион сўмдан сотилади ва олинган даромад хонадон ва кластер ўртасида тенг тақсимланади.

Кластернинг жўжа очишга мослашган инкубатори бор. Унда очирилган жўжаларни ҳам оилаларга 50 тадан тарқатиш,

уларни бепул озуқа билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Одатда жўжаларнинг деярли ярми хўроз бўлиб чиқади ва улар кластерга қайтариб берилади. Қолган 25-30 та товуқ эса уч ойдан кейин тухум бера бошлайди. Кластер ана шу тухумларнинг донасини минг сўмдан сотиб олади. Хонадон эгаси тухум сотишдан йилига 8 ярим миллион сўм даромад кўради. Хуллас, кластер билан чорвачилик соҳасида ҳамкорлик қилган оила йилига 17–18 миллион сўм соф даромадга эга бўлади.

Албатта, амалга оширилаётган кенг қўламли бу ишлардан кластер ҳам ўзига яраша фойда кўради. Унинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мустақил равишда реализация қилиши натижасида йилига ўртача 4 миллиард, чорвачилик ва паррандачилик йўналишидаги ҳамкорликдан эса 3 миллиард сўмдан ортиқ фойда олиши кутилмоқда.

Тузилманинг мутахассис ва тажрибали ишчи-ҳодимлари кооперацияга жалб қилинган аёлларга деҳқончилик усуллари, тарқатилган гуллар, кўчатлар ва уруғларни етиштириш, чорвачилик сир-асорларини ўргатиб боришни, хуллас, улар билан узвий алоқани йўлга қўйишни ният қилган. Зеро, олинётган ҳосил қанчалик кўп ва сифатли бўлса, икки томон учун ҳам бирдек фойдалани.

Бундан ташқари, кластер ва Ўзбекистон аграр соҳа аёллари уюшмаси ҳамкорлигида 100 нафар ўқувчиға мўлжалланган 2 ойлик ўқув курслари ташкил этилмоқда. Шу ойдан фаолият бошлайдиган ушбу курсларда кооперация асосида ишлаш ёки мустақил тадбиркорликни йўлга қўйиш истиғида бўлган хотин-қизларни ўқитиш режалаштирилган. Қўшни вилоятлардаги аёллар учун ташкил қилинаётган маҳорат дарслари ҳам ўз самарасини бераётир.

— Давлатимиз раҳбари йиғилишлардан бирида “Шу вақтгача биз одамларимизга балиқ бердик. Бу тажриба ўзини мутлақо оқламади. Халқимизга балиқ тутишни ўргатишимиз, қармоқ беришимиз лозим”, деганди, — таъкидлайди Шарофат Нориева. — Бизнинг ниятимиз ҳам ана шу сўзларга Ҳамоҳанг равишда аҳолини, айтинча, ишсиз аёлларни ишлашга, ҳаракат қилишга ундаш. Кўпчилиги бекор ўтирган опа-сингиллар ёрдамимиз билан оилавий бюджетини бойитиш, рўзгорини тўлдириш имкониятига эга бўлади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

**Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Энергия назоратида ишончли ҳисоб юритилиши сарф-харажатларни аниқлашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланиб, тежамкорликка эришишга хизмат қилади. 2020 йил 24 сентябрда Президентимизнинг “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган бўлиб, унинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳам соҳа, ҳам аҳоли учун бир қанча қулайликлар яратди.

Газ истеъмоли ва ҳисоба олиштириш назорат қилиш бўйича маълумотларни йиғиш, бошқарув тизимига бўлган зарурат ва аҳоли орасида истеъмол қилинган табиий газ учун дебитор қарздорлар сони кўпайиб кетгани боис яратилган ASKUG-Yur, ASKUG-Billing тизими турли текширув жараёнлари ва олдинги тўлов квитанцияларини йиғиш, тегишли ташкилотларга бетиним қана ҳамда соатлаб навбат кутиш каби ҳолатларга барҳам бермоқда.

— Янги тизим ҳар томонлама қулай, — дейди пойтахтнинг Олмасор туманида яшовчи Қобилжон Маҳмудов. — Харажат “отнинг қалласиди” бўлиб кетгунча бамайхотир юришингизга қўймайди. Гўёки “ақлли” ҳисоблагичлар биз билан гаплашаётгандек, тўловни амалга оширишимиз лозимлигини ўқтиради. Авваллари масъул ҳодимлар юз марта эшик тақиллатиб ҳам ўндиролмаган тўловни янги тизим арзимаган дақиқада уздаляпти. Чунки таъминотдан узилмаслик учун тўловларни вақ-

тида амалга оширамиз. Унинг яна бир қулайлиги — фавақулда ҳолатларда газ таъминотида узилиш бўлса, қайта уланганда махсус тугмачани босмагунимизча тизимга уланмаймиз. Бу ортиқча газ сизиб, турли кўнгилсиз ҳолатлар юз беришининг олдини олади.

Реал вақт режимида масофадан бошқариш имкониятини берадиган бундай ҳисоблаш воситаларида аниқлик даражаси юқори бўлиб, ўлчаш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш босқичида инсон омили ва унинг иштирокини ҳам минималлаштиради. Тежамкор технологиялар энергия манбаларининг ўйламай ишлатилиши ва атмосферага зарарли иссиқхона гази чиқишининг ҳам олдини олади.

— “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан бепул ўрнатилаётган “ақлли” ҳисоблагичлар, аввало, “қизил”, сўнг “сарик” ва “яшил” худудларни қамраб олади, — дейди “Худудгазтаъминот” АЖ раиси Баҳодир Эшмуродов. — Ҳозирги кунда табиий газ истеъмолчила-

рининг 65 фоизи мана шундай ускуна билан таъминланди. Истеъмол ва қарздорлик юқори бўлган “қизил” худудлар биринчи бўлиб қамраб олинishi газни йўқотиш ёки ўғирлаш ҳолатларига чек қўйиш имконини берди. Шунингдек, қимдир ҳисоблагични тармоқдан ажратиб қўйса ҳам дарров пайқаш мумкинлиги кўккашон ишлатиш ҳолатларини бартараф этди. Фойдаланувчининг ўзи назорат қилиб бориши тизимнинг яна бир қулайлиғидир. Эски турдаги ҳисоблагич ўрнатилган хонадонларнинг умумий қарзи 478 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Янги тизимга уланган аҳолида эса бу кўрсаткич жуда паст. “Ақлли” ҳисоблагичлар 100 йилга мўлжалланган бўлиб, хонадон соҳибига узок вақт хизмат қилади.

Суюлтирилган газ баллонларини етказиб бериш жараёни ҳам автоматлаштирилган бўлиб, дастлаб уларга махсус штрих кодли стикерлар ўрнатилади. Сўнгра истеъмолчилар ID карталар билан таъминланиб, мазкур жараёнлар “E-gaz” онлайн тизимига уланади. Истеъмолчилар газ учун тўловни нақд пулларсиз, ID карта воситасида амалга ошириши белгиланганидан ортиқча ҳақ тўлашининг олдини олади. Қолаверса, газ таъминоти ўз вақтида амалга оширилмаслиги, маҳаллада 4–5 та газ



баллони бўлган оилалар томонидан уларни бирварақайига алмаштириб, бошқаларга етмай қолиши билан боғлиқ муаммолар рақамлаштириш сабаб ўз ечимини топди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилишидан бир кун аввал фуқароларни огоҳлантиради. Эртаси кун махсус картадан 20 килограмм газ учун

22 минг 400 сўм ечиб олинади. Битта ID картадан бир ой давомида битта тўловни амалга ошириш мумкин. Масалан, ID карта ҳисобрақамига кўпроқ пул тушириб олиб, ўнлаб газ баллони учун тўлов қилиш мумкин эмас.

Қўриш мумкинки, жараён барчани бирдек таъминлаш учун қилинган. Етказилган газ баллонидидаги штрих код сканер қилинган, хонадонга қачон,

қайси газ баллони етказилгани, неча сўм ечиб олингани қайд этилади ва бу маълумотларнинг барчаси шаффоф. Фуқаро махсус иловадаги шахсий кабинетда тўловлар ва бошқа маълумотларни кузатиб бориши мумкин. Соҳа ҳодимлари томонидан аҳолига ID карта орқали электрон тўловни амалга ошириш ишлари тушунтирилади.

Бу каби ишлар Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида амалга оширилаётир.

Инсон омилисиз ҳисоблагич кўрсаткичларини қайд этиб, қарздорлик мавжуд бўлганда тармоқдан ажратиш, тўлангандан кейин эса қайта улашнинг автоматлаштирилган механизми соҳа ҳодимлари учун ҳам бир қанча енгиллик яратди. Бир йил аввал қарздорлик масаласини ҳал қилиш, ҳисоблагичлар кўрсаткичларини солиштириш ва қарзларни тўлатириш учун ҳар ойда уч мингдан ортиқ инспектор 3,5 миллиондан зиёд уй хўжалигини айланиб чиқишга мажбур бўларди. Энди эса ҳар бир абонент газ ҳисоби бўйича барча маълумотларни ўзининг мобил телефони орқали қабул қилади ва ёқилги учун тўловларни кўннинг исталган вақтида тўлаб боради. Агар истеъмолчи тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, газ таъминоти тизимидан автоматик режимида узиб қўйилади. Бундай “ақлли” тизимлар фойдаланувчиларни истеъмол маданиятига ҳам ўргатади.

Мамлакатимизда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб шароит яратилмоқда. Уларнинг мавжуд шароитлардан фойдаланиши, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш каби ҳуқуқлари таъминланмоқда. Нафақаларининг ўз вақтида берилиши, моддий ёрдам ажратилиши, уй-жой билан таъминланиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига имкониятлар яратилмоқда.

БАРЧА БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ



“Жасорат” медали кучимга куч қўшди”

Қўзимизнинг кўриши, қулоғимизнинг эшитиши, борлиқни ҳис этишимиз, табассум қилишимиз, юриш-туришимиз, қўйинги, Яратган томонидан инъом этилган неъматларнинг бари — бахт. Бироқ ҳар доим ҳам бу бахтнинг қадрига етавермаймиз. Тўрт мучаси соғ бўла туриб, бирор ишнинг бошини тутмаган, тутган бўлса ҳам, ўтаётган кунидан нолийверадиган ёки пул топишнинг осон йўлини излаб, турмушнинг турфа найрангларига алданганлар ҳам йўқ эмас. Яна шундай инсонлар борки, улар чекланган имконият билан дунёга умид бермоқда, жамиятни уйғотмоқда. Улар нолиш ёки жим ўтириш ўрнига мавжуд имкониятидан тўла фойдаланади. Жамиятга, элу юртга фойда келтиради. Борлигини, яшаётганини муваффақиятлари ҳамиша ҳаммага кўрсатиб туради.

Тошкент вилоятининг Ўқма туманида истиқомат қилувчи Абдукарим ака ва Рихси опанинг орзу-умид билан тарбиялаётган ўғли — Умиджон бахтсиз ҳодисага учраб, тўшакка михланиб қолди. Ота-онаси уни сабртоқат билан тарбиялади, таълим олиши учун шароит яратди. Умиджон улғайгани сари ўткир зехни билан тенгдошлари орасида ўз ўринини топти. Мактабни аъло баҳоларга битириб, ҳисобчи-аудиторлик бўйича Ногиронлар касб-хунар коллежида таҳсил олди.

Йиллар Умид Неъматовни тадбиркор сифатида элга танитди. У ҳалол меҳнати ва ҳаракати ортидан “Аслиддин — Умид” МЧЖ ни ташкил қилди. Компьютер хизматлари ва электрон буюмларни созлашга ихтисослашган устахона очди. Туман ҳудудида ажратилган 29 сотих ерда “Агро табиий неъмат” деҳқончилик субъектини ташкил этиб, ноёб кўчатлар ва доривор ўсимлиқлар парваришини йўлга қўйди. Шунингдек, банкдан кредит олиб, таълим муассасаларида тўғри овқатлантиришни ташкиллаштириш бўйича лойиҳасини амалга оширди. Унга кўра, тумандаги 5-, 15-мактаблар ҳамда педагогика коллежи ошхоналарида ўқувчилар учун сифатли ва тўйимли овқатлар тайёрлаш ва сотиш тизимини йўлга қўйди. Сўнг бу фаолияти ёнига нон ва пишириқлар ишлаб чиқариш ҳам қўшилди. Тадбиркорлиги ортидан Умид Неъматов 20 га яқин иш ўрни яратди. Улар орасида ўзи каби имконияти чекланган юртдошларимиз ҳам бор.

— Тадбиркор бўлиш учун мустаҳкам ирода, астойдил меҳнат, энг асосийси, пухта ўйланган бизнес режа бўлиши керак, — дейди у. — Бизнес-режангиз бўлса-ю, ишончингиз бўлмаса ёки дангасалик қилсангиз, бу иш юрмайди. Агар маблағингиз бор бўлиб, ишни юритишга иродангиз етса, бироқ пухта бизнес режа тузмаган бўлсангиз, бу ишдан ҳам самара кутиб бўлмайди. Бугун юртимизда тадбиркорлар учун барча шароит бор. Кредит оламан, десангиз, ишингиз чўчилимайди, ўрнида ҳал бўлади. Коронавирус пандемияси барча йўналишлар қатори бизнинг фаолиятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Бироқ енгиллиш йўқ. Айни пайтда янги бизнес режа тузиш устида изланяпман. Бу ғоя шундай бўлиши керакки, пандемия шароитида ҳам тўхтаб қолмаслиги керак. Баъзан 1-гуруҳ ногиронни эканим эсимдан чиқиб қолади. Чунки иш билан банд бўлиб, бу ҳақда ўйлашга

вақтим бўлмайди. Аллоҳ бизга шу ҳаётни берибдими, демек, биз бу йўлни босиб ўтишимиз керак. Аравачага михланиб ўтирсак ҳам шу йўл босилади, ҳаракат қилиб, жамиятга фойда келтирсак ҳам. Мақсадим жуда катта. Юртдошларимизга фойдам тегса, дейман.

“Юк кўтарган юзага чиқар”, дейдилар донишмандлар. Умид Неъматовнинг хиз-



матлари юксак эътироф этилиб, Президентимиз фармони билан “Жасорат” медалига муносиб кўрилган. Унинг айтишича, бу ишонч уни ҳамisha жасоратли бўлишга, йўлида учраган қийинчиликларга бош эгмасликка, кучли ирода соҳибига айланишига зўр қувват бағишлади, кучига куч қўшди.

“Спорт — ҳаётимнинг бир қисми”

Сўнгги йилларда мамлакатимизда паралимпия йўналишида қатор хайрли ташаббуслар амалга оширилди. Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш яхлит умуммиллий ҳаракат касб этди. Демак, спортчилар қўлга киритаётган ҳар бир ютуқ замирида, шубҳасиз, мамлакатимизда улар учун яратиб берилаётган шароит ва имкониятларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки истеъдод ва қобилият эътибор туфайли юзага чиқади, кишини ҳаракатга ундайди. Бу эса ғалабаларга йўл демакдир.

Япония пойтахти — Токио шаҳрида бўлиб ўтган Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз Ватан ва миллат шарафини шахду шиддат билан ҳимоя қилди. Юртдошларимиз уларнинг ҳар бир ўйинини катта иштиёқ билан кузатиб, қўллаб-қувватлаб турди.

Ўзбекистон жамоаси 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза, жами 19 та медалга сазовор бўлди. Ватанимизга ана шу медалларнинг иккитасини Нурхон Курбонова келтирди.

Нурхон 1994 йили Наманган вилоятида туғилган. Спорт оламига 2017 йили кириб келган. Дастлаб камондан ўқ отиш билан шуғулланган. Бир йилдан сўнг, 2018 йили енгил атлетиканинг диск, найза ва ядро улоқтириш турига ўтган. 2019 йили жаҳон

чемпионатида қатнашиб, 5-ўринни қўлга киритган спортчи 2021 йили Бирлашган Араб Амирликларида ўз йўналиши бўйича Гран-прида 3 та олтин медалга эга чиқди. Бу унинг Токио олимпиадасига йўлланмани олишига имкон яратди.

— Менинг ўз йўлмини топишимда мураббийларимнинг жуда катта ва машаққатли меҳнати бор. Шунинг алоҳида айтишим керакки, Ўзбекистон Паралимпия қўмитаси биз учун барча шароит ва имкониятлар эшигини очиб берди. Мана шу эшикдан ўтишим билан ҳаётимда ҳамма нарса — ҳатто ҳаётга, инсонларга бўлган қарашларим ҳам ижобий томонга ўзгарди. Қўмита раҳбариятининг ҳар биримизга алоҳида эътибори, далдаси, кўмаги, мотивацияси, мураббийларнинг бизга ўз фарзандидек меҳр кўрсатиши, албатта, ғалаба томон йўл, деб ўйлайман. Токио олимпиадасида мураббийимнинг аниқ кўрсатмалари, руҳан тайёрлаши менга далда бўлиб, ядро улоқтириш бўйича 7, 77 метр натижа билан бронза медалини “F54” классида найза улоқтириш бўйича ўтган баҳсларда 18, 38 метр натижа билан шахсий рекордимни янгиладим ҳамда кумуш медалини қўлга киритдим. Олимпиададан қайтган, бизга кўрсатилган эътиборни, ўйлайманки, кўпчилик кузатди. Давлатимиз раҳбари томонидан юксак эътибор кўрсатилди, совғалар ортидан давлатимизнинг унвонлари топширилди. Мен ўз тақдиримдан, танлаган йўлимдан розиман.

“Ота сифатида ўғлим ўз уйида бахтли яшашини орзу қилардим”

Ҳар бир инсон бошпанали бўлишни, ўз оиласи билан хотиржам, тотув яшашни истайди. Давлатимиз кўмаги билан қўллаб-қувватлаш имконияти таъминланмоқда. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Ногиронлиги бўлган юртдошларимиз ўз уйига эга бўлмоқда.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида истиқомат қилувчи Бекзод Ёрқулов ҳам, унинг турмуш ўртоғи Мунира ҳам 2-гуруҳ ногирони. Улар 2014 йили турмуш қўрган. Ёш оила уйга муҳтожлиги боис, туман ҳокимлигига мурожаат қилган. 2018 йили икки



хонали уйга эга бўлишди. Энг муҳими, уйнинг бошланғич тўлови субсидия асосида давлат томонидан тўлаб берилди.

— Уйли бўлганимиз ҳаётимиздаги энг қувончли кун, — дейди Бекзод Ёрқулов. — Чунки ўз уйингда бахтни ҳис қилиб яшашнинг гаши бор. Президентимизнинг ташаббуси ва эътиборидан миннатдоримиз. Ҳақиқатан ёлғиз эмаслигимни ҳис қилдим. Ортимда қўллаб-қувватловчи давлатим борлигидан ич-ичимдан қувондим. Ёш оиламиз. Жасурбек исмли ўғлимиз бор. Ота сифатида ўғлим ўз уйида, бахтли яшашини орзу қилардим. Ногиронман, фарзандим учун қандай қилиб уй-жой қиламан, деган қўрқув бор эди. Давлатимиз кўмаги эса мени ана шу қўрқувдан қутқарди. Ўз вақтида нафақаларимиз бериляпти. Бундан ташқари, маҳалламиз томонидан моддий ва маънавий кўмак кўрсатилляпти. Имконият ва қўллаб-қувватловлардан, мамлакатимиз раҳбарининг барча одамлар каби бизни ҳам тенг қўриб, эътибор қаратаётганидан бошимиз қўкка етди.

Бекзод Ёрқулов телефон таъмирловчи уста. Топган-тутгани оила қорига яраб турибди. Ҳукуматимиз томонидан берилаётган моддий ёрдамдан ташқари маҳалла-қўй ҳам унинг турмушига бефарқ эмас, ҳолидан хабар олади.

Ҳа, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган юртдошларимизга қўмаклашилмоқда, улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси экани таъкидланиб, яшаш ва ишлаш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу эса уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви учун катта ёрдам ва чин инсоний муносабат ифодасидир.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЖИСМОНИЙ ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ ВА МАНФААТИГА ҚАРАТИЛГАН ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Алишер ИНОҚОВ, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори

Орамизда шундай инсонлар борки, жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, маънавияти юксак, руҳияти кучли, ўзи матонатли. Ҳозир ногиронлиги бўлган шахслар сони жаҳон миқёсида тахминан 1 миллиард нафарни ташкил этади. Ачинарлиси, уларнинг 100 миллиондан ортиғи болалардир. Кейинги йилларда юртимизда бу тоифадагиларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш борасида эътиборга молик ишлар бажарилмоқда.

Президентимиз шу йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида имконияти чекланган шахсларнинг қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича минтақавий кенгаш тузиш таклифини билдирди ва Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббуси доирасида Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ратификация қилинди. Мазкур конвенция тенглик асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг барча инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. У мавжуд шароитлардан фойдаланиш имконияти, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий жараёнда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Бир сўз билан айтганда, энди мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилиқнинг ҳам миллий, ҳам халқаро асослари мавжуд. Ғалдаги долзарб масала ушбу нормаларда белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишдан иборат.

Президентимизнинг шу йил 27 ноябрдаги “Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронлик белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бугун юртимизда кеңаётган улкан ислохотлар замиридаги “Инсон қадри ва қиммати ҳар нарсадан устун” деган эзгу ғояни намоеён этгани билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Қарорда фуқароларга ногиронлиқни белгилашдаги муайян тўсиқларни йўқотиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, ортиқча овозгарчиликларни бартараф этиш, маълумотлар электрон базасини шакллантириш орқали фуқароларга замон талабларига жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш мақсад қилинган.

Хусусан, илгари ногиронлиқни белгилатиш учун ногиронлиги бор фуқаролар, ҳатто I гуруҳ ногиронлари ҳам муайян идораларга бориши керак эди. Қарорга мувофиқ, шу йил 1 декабрдан бошлаб шахснинг уйи ёки у даволанаётган стационарда ҳамда сиртдан қўриқдан ўтказиш жараёни ташкил этилади.

Меъёрий ҳужжатнинг халқ манфаатлари акс



этган яна бир жиҳатига тўхталиш ўринли. Жумладан, олдин ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахслар ногиронлиқни белгилатиш учун вақти-вақти билан муайян муддат ихтисослашган шифохоналарда ётиб даволаниши зарур эди. Узоқ йиллар фуқароларнинг овозгарчилигига сабаб бўлган бу тартибга ҳам чек қўйилди. Энди клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, бундай шахсларга тасдиқланган касалликлар рўйхати асосида ногиронлик муддатсиз даврга белгиланади.

Яна бир муҳим жиҳат: тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ногиронлик тўғрисидаги маълумотномада шахс ишлаши мумкин бўлган касблар бўйича тавсиялар берилади.

Келаси йили 1 августдан бошлаб дастлаб Тошкент шаҳридаги тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш ва қўриқдан ўтказиш учун “Тиббий-ижтимоий экспертиза” электрон ахборот тизими жорий этилади. Унда фуқароларга ногиронлиқни белгилаш учун асос ҳисобланадиган тиббий йўланма, касаллик тарихи ва амбулатор картадан қўчирмалар электрон тарзда акс этади.

Шундан сўнг электрон ахборот тизимидаги маълумотларга асосан, фуқаро организими функциясининг бузилиши ва ҳаётини фаолияти чегараланиши ҳисобга олинган ҳолда, ногиронлиқни фуқароларнинг иштирокисиз белгилаш тартиби жорий этилади. Электрон маълумотлар эса автоматик тарзда “Пенсия” ҳамда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимларига юборилади.

Энди Соғлиқни сақлаш вазирлиги шифокорлари зиммасига 18 ёшгача бўлган болаларга ногиронлик белгилаш бўйича юклатилган қўшимча функциялар бекор қилинади. Уларнинг функцияси кимга берилади, деган савол туғилиши табиий. Қарорга мувофиқ, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари ташкил этилиб, 16-18 ёш орасидаги ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади. Уларга тегишли ҳужжатлар педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларига топширилади.

Тиббий-ижтимоий экспертиза, реабилитология, тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация мутахассисларини тайёрлаш ҳам замон талаблари даражасида йўлга қўйилиши режалаштирилган. Айтайлик, 2022-2023 ўқув йилидан магистратура, клиник ординатура, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастурлари халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштирилади.


2022 йил 1 июнга қадар БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг техник кўмағида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, фуқароларга ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, уч ой муддатда ногиронлиги бўлган шахслар ва болаларга тегишли электрон маълумотларни ўзидан жамлайдиган



НИГОҲ

Чўққисидан йил–ўн икки ой қор аримайдиган залварли Чотқол тоғлари чиройидан баҳра олганмисиз? Шундай пайтда беихтиёр хаёлингизни улугъ шоир Ҳамид Олимжоннинг куйидаги сатрлари асир этган бўлса, ажабмас: “Қояларда асрлик дoston, дараларда оппоқ, мангу қор, чўққиларда оташ саратон, ёнбағирлар бинафша баҳор”. Бу бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини намoён эта оладиган бетакрор воҳанинг таърифи.



ЧИРЧИҚ БЎЙЛАРИДА ЁНАР ЧИРОҚЛАР

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, журналист

Атоқли шоир Ҳамид Олимжон “Чирчиқ бўйларида” деб номланган шеърда ана шундай гўзал сатрларни битган. Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодида халқимизнинг меҳнат жаҳасидаги қаҳрамонлигини тасвирлаган шоир ўтган асрнинг қирқинчи йилда ушбу шеърини битган. Асарнинг лирик қаҳрамони — Чирчиқ шаҳри бунёдкорлари, энергетиклари, кимёгарлари, бир сўз билан айтганда, Ватан равнақи учун фидойи инсонлар.

Чирчиқ дарёсига, унинг ўнг соҳилида барпо этилаётган навқирон шаҳарга ҳавас билан боқаркан, шоир шундай деб ёзади:

*Гулишан водийларда чакнайдй кўзим,
Фикрлар дарёдек босиб қилар лол,
Ўзининг бағридан оққан сувларнинг
Орқасидан қараб қолгандай Чотқол.*

Шоир ўз ҳайратларини Чотқол тоғининг ҳолати билан таққослайди. Чотқол тоғ тизмалари ва унга ёндош тоғлар орасидан ҳайқириб тушадиган Чотқол, Қўқсув, Пском, Угом дарёлари Чирчиқнинг ўзани ҳисобланadi. Шоир тугёнлари жўш уриб, қўйма сатрлар қоғозга мунчоқдек терилади:

*Чирчиқ бўйларида кезаман ҳайрон:
Кўзимга Аму ҳам, Сир ҳам қўрнлар,
Табиат сирини ўрағатар менга
Сувнинг ўйинида бир кимёга.*

Чирчиқ дарёсининг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти Амударё ва Сирдарёдан кам эмас. Узунлиги 160 километрдан ортиқ бўлган дарё асрлар давомида тириклик манбаи сифатида одамларга ризку насиба улашиб келган. Воҳада деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришга хизмат қилган. Шу сабаб бу ердан топил-

ган ибтидоий ҳаёт излари ҳам узoқ тарихга бориб такалади.

Дарёнинг бошланиш қисмидаги нишаблик, сувнинг тез oқиши XIX асрнинг сўнгидан бошлаб Туркистон олимларини қизиқтириб келган. Бу ердаги гидроэнергетика манбаларини ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган тадқиқотлар бошланган. Чирчиқ дарёси Туркистон ўлкасида энергетикани ривожлантиришнинг муҳим манбаи бўлиши мумкин, деган қатъий хулосага келинган.

*Элнинг ўғиллари, мардлар қошимда,
Мен суҳбат қиламан олимлар билан.
Табиатушнослар, ҳикматчи дўстлар,
Менга ўрғатади ажойиб бир фан.*

Шоир ўрганган ажойиб бир фан ҳақида гап кетар экан, бу ерда барпо этилган кимё корхонаси тарихига ишора бор. Ўз вақтида сувни гидролиз қилиш воситасида водород ажратиш ва унинг асосида минерал ўғитлар ишлаб чиқариладиган кимё корхонасини қуриш масаласи кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. Янги усул консерватив дунёқарашдаги мулозимларга хуш келмаган. Улар олисдан олиб келинадиган торфдан ўғит ишлаб чиқаришни афзал билган ва янгиллик йўлига ғов қўймоқчи бўлган.

Лекин янги гоғлар, илгор фикрлар ўз сўзини айтди. Чирчиқ дарёси соҳилида деҳқончилик учун минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик кимё корхонасини барпо этишга киришилди.

Худуддаги 3 та — умумий аҳолиси минг нафар бўлган Ниёзбек, Қипчоқ, Жалаер деб номланган тарқoқ қишлоқлар ўрнида йирик саноат шаҳрини барпо этишга киришилди. 1934 йил 1 май куни шаҳарнинг тамал тоши қўйилди. Орадан кўп ўтмай, янги корхонанинг дастлабки маҳсулотлари деҳқонларга етиб борди.

*Қадим Шарқнинг ери ташна қовжирар,
Капта Фарғонанинг сувига муҳтож,
“Мадорим кетибдир, ўғит бер!” дейди,
Чирчиқ азотиغا термулиб у оч.*

Чирчиқда ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар мадори қуриган, қовжираган ерларнинг малҳами эканини деҳқон тушуниб етди. У мўл ҳосил гарови сифатида эътироф этилди. Аини вақтда йирик гидроиншоотлар қурилди. Бўзсув канали бўйлаб ГЭСлар тизимига асос солинди. Шаҳар ва қишлоқлар янада нурафшон бўлди.

Шоир янги бунёд бўлаётган шаҳарни севиб қолади ва бу билан ифтихор қилади. Бунда келажакка ишонч ва ишора бор.

*Негаким, дардларга даводир бу сув,
Бу нурлар қилади кўзларни равшан,
Чирчиқлик шоирда бордир бир армон:
Бутун Шарқни озoд кўрoлсам дегаи.*

Буюқларнинг ашўрларида ҳикмат бўлади, башорат бўлади. Шундай, Ҳамид Олимжон шеърларининг баёнида сеҳр, мазмунида башорат муҳасам. Бутун Шарқни озoд кўрсам, деганида шоир табиийки, биринчи навбатда, ўз юртини назарда тутган. Уша даврда бундай фикрларни очик айтиб бўлмасди. Негаки, ҳали ўттинчи йиллар қатагонидан, ўша давр сиёсати зугумидан ҳеч ким холи эмас, унинг изгиринлари эсиб турарди. Аммо лирик шордаги озoдлик ҳақидаги умид ва ниятнинг ўзи катта жасорат эди.

Чирчиқнинг кечаги куни ва бугуни ҳақида сўз юритар эканмиз, шаҳар тарихи музейида Ҳамид Олимжонга, унинг “Чирчиқ бўйларида” шеърига бағишланган махсус жой ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни билдириш ножио бўлмас. Зеро, бу бўлим ҳам бутун музей экспонатлари сингари шаҳарнинг кечаги куни, бугуни ҳақида

сўзлаб турсин. Турналар мажмуаси тимсопида буюқ аллома Расул Ҳамзатов шеърятига ҳайкал қўйган шаҳар тарихи учун бу яна бир эзгу иш бўларди. Шаҳар маҳаллаларидан ёки кўчаларидан бирини шоир номи билан аташ ҳам шоир ҳаёти ва ижодида эҳтиром сифатида ўз ифодасини толади.

Албатта, ҳар бир қишлоқ ва шаҳарнинг ўз тарихи бўлади. Ҳамид Олимжон мадҳ қилган шаҳарнинг ҳам юксалиш ва эътиборсиз даврлари бўлган. Тарих гувоҳ, шаҳар бир пайтлар гуллаб-яшнади, камол топди. Афсуски, шундай давр ҳам бўлдики, кўчалар, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қаровсиз, таъмирсиз қолди. Аҳолида шижoат сўнгандй кўринди.

Шаҳар кейинги беш йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва сaъй-ҳаракати билан қайтадан туғилди. Биргина жорий йилнинг ўзида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Чирчиқ шаҳрига икки марта ташриф буюрди. Чирчиқликлар давлат раҳбари қадами етган жойга қўт-баракка, файз-тароват ёғилишига ўзлари гувоҳ бўлди. Буни шаҳарнинг биргина Янги ифтихор маҳалласи тимсопида аяқол кўрса бўлади.

— Очиғи, жорий йилнинг 18 март куни давлатимиз раҳбари маҳалламиздаги аҳвол билан танишганида кўп саволларга жавоб тополмай, кўзимиз билан ер чизиб қолгандик, — дейди маҳалла раиси Дилшoд Етмишов. — Чиндан ҳам, маҳалламиз кўп йиллар эътибордан четда қолгани, одамларнинг яшаш шароити билан боғлиқ муаммолар кўпгиллиган жуда хижoатл бўлар эдик. Маҳалламиз қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Коммунал тармоқлар бутунлай янгиланди. Кўп қаватли уйларга зеб берилди. Ҳовлиларда болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари барпо этилди, автотураргоҳлар қурилди. Кўчалар асфальтланди, тунги чироқлар ўрнатилди. Болалар боғчаси, умумтаълим мактаби тўла таъмирланди.

Биргина бу маҳалла эмас, шаҳарнинг барча гўшаи обод бўлди. 16 қаватли турар жой бинолари қурилди. Шаҳарнинг ҳoқ марказидан кесиб ўтадиган Бўзсув каналининг икки соҳили ободонлаштирилиб, ҳордиқ чиқариш учун барча шарoитлар

яратилди. Бу ерда пиёдалар учун, велосипедчилар учун йўлақлар барпо этилди. Шаҳарда янги боғлар ташкил қилинди. Бугун 2 та йирик олий ўқув юрти фаолият олиб бормoқда. Улар қаторига янгиларини қўиши режалаштириляпти.

Чирчиқ том маънода саноатчилар шаҳри бўлиш билан бирга, ёшлар ва спортчилар масканига айланди. Одамларнинг турмуш шарoити яхшиланди. Шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб, кун сайин гўзал қиёфа касб этмоқда. Бугун Чирчиқ ўз бағридан 163 мингдан ортиқ аҳолига жой берган йирик шаҳарга айланган.

Унинг келажаги янада порлоқ. Бу ерга пойтахтдан ўнга яқин йирик саноат корхонаси кўчириб келтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 ноябрдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фикримиз далилидир. Шаҳарни пойтахт билан тез ва соз боғлайдиган йўллар, транспорт воситалари ишга туширилади. Шаҳар яқин келажакда кўплаб аҳолини ўз бағрига олади. Элга эл қўшилса, давлат.

*Чирчиқ бўйларида ёнар чироқлар,
Қаршимда зўр дунё очади чирой.
Қалбидан oқмоқда бир дарё қўшиқ,
Қор босган тоғларнинг тепасида ой...*

Ҳамид Олимжон новатор шоир сифатида ўз даврининг илгор гоғларини тараннум этди. Келажакка ишонч билан боқди. Ҳайрат ва башоратларини баралла баён қилди. У ўзбек шеърятда жўшқин лиризмга асосланган ўзига хос ижод мактабини яратди.

...Иилда ёки ойда бир марта бўлса ҳам қор босган тоғларнинг тепасидаги латофатли тўлун ойга кўзингиз тушганими? Шоирнинг латиф мисралари гўзал Чирчиқнинг таърифи ва тасвирига бағишланган. Шеърда унинг обод масканлардан бирига айланишига катта умид муҳасам. Чирчиқнинг бугунги куни, ундаги катта ўзгаришлар, аҳолининг ҳаёт ва меҳнатта иштиёқи шу умиднинг рўёби сифатида намoён бўлаётир.

МАЪНАВИЯТ ОЛАМИ

Мирзоҳид БОТИРОВ,
Фаргона политехника
инститuti проректори

Юртимиздаги ислохотлар замирида инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi кераклиги устуворлик касб этаётгани айтии ҳақиқат. Бошқача айтганда, ҳар бир фаолиятимиз ана шу улугъ мақсадларга қаратилган. Яратилаётган ҳар бир қўлланма, китoб ва бошқа маънавий хазиналаримиз — бадиий асарлар ҳам ана шу улугъ гоғ ва мақсадларга йўғрилгани билан аҳамиятли.



Айни шу мақсадларнинг эзгу ифодаси бўлган, юртимизда кечаётган муҳим сиёсий жараёнларнинг тавсифи, Учинчи Ренессансинг пойдеворини барпо қилиш борасида ҳаётимизга таъбиқ этилаётган ислохотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти, устувор йўналишлари, миллий тараққиётимизнинг истиқболлари таҳлилига

бағишланган ҳамда улар хусусида яхлит тасаввур беришга ундoвчи “Янги Ўзбекистон стратегияси” рисоласи дунё юзини кўрди.

Президентимизнинг ушбу китобини ёруғ истиқболимиз учун барча соҳада амалга оширилиши мўлжалланган вазифалар белгилаб берилган нурли келажак дастурига менгзамин келди. Дарҳақиқат, китoбдаги “Янги Ўзбекистон стратегияси”, “Халқарвар давлат”, “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш”, “Адолатли ижтимоий сиёсат”, “Маънавий тараққиёт”, “Хавфсизлик ва ташқи сиёсат”, “Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар” каби йўналишларда ҳар бир соҳада тўпланиб қолган муаммолар ва келгусида қилиниши керак бўлган муҳим ислохотлар, шунингдек, соҳалар вакиллари зиммасидаги улкан вазифалар кўрсатиб берилган.

Бевосита олий таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган зиёли сифатида бу асарнинг “Маънавий тараққиёт”



йўналиши хусусида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтишни жоиз топдим. Инсон борки, умр йўлларида ҳаловат топпoқ истагида бир нурга интилиб яшайди. Уша илоҳий нур, шуъла, юракларни ёндиргувчи машъала — маънавият. Маънавиятга панжа орасидан қараш, турли маънавий-маърифий тадбирларга юзак муносабатда бўлиш, номига танловлар ўтказиш, ижтимоий-маънавий муҳитдаги муаммолар, ҳаттоки бугун ҳам маънавият нима эканини англаб етмаган,

соҳадан йироқ айрим кимсаларнинг раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётгани ҳам кадрлар масаласида оғриқли муаммолар борлигидан дарак беради.

Бу эса маънавий соҳада зарур бўлган ислохотлар қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Қачонки, барча соҳада маънавият энг асосий масала бўлса, юраклар маънавият жилвасидан ёнса, қалб оламингиз равшанлашади. Зеро, давлатимиз раҳбари “Агар жамият ҳаётининг танаси

иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деб бежиз айтмади. Янги Ўзбекистонни қуришда, албатта, иқтисодиёт ва маънавиятга таянлади.

Ҳа, жамиятдаги мазмун ва сифатни белгилайдиган пойдевор деб эътироф этиладиган маънавиятга муносабат ўзгармаса, зиё таратувчиларнинг маънавиятга муносабати қўнгилни хира қилса, ўйлаган мақсадимизга етишда улкан муаммолар гирдобига тушиб қолишимиз мумкин.

Оддий мисол. Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга таҳдид ва хатарлар қучайиб бoраётган бир пайтда ёшларимизнинг телефонга муқкасидан кетишини қўриб, кўрмасликка олиш мумкинми? Аждoдлари дунёни лoл қолдирган мллат фарзандлари учун бу кечиримли ҳoл эмаслиги юракка оғриқ солади. Бугун ёшлар тарбияси бўшашиб кетаётгани сабаби ҳам бефарқлик ёки лоқайдлик эканини англаб етгимиз келмайди. Телефондан фойдаланишни тартибга солиш бўйича махсус қоидаларни ҳаётга таъбиқ қилишни билсак-да, ортга сураверамиз.

Ёнимиздаги шеригимиз ёмон йўлга кириб кетаётганини қўриб туриб ҳам юрагимиз қалқиб кетмайди. Қайсидир танишимиз ёки ҳамкасбимиз коррупция балосига йўлиққанини эшитсак ёки тамағирлик қилаётганини сезсак ҳам билиб, билмаганга оляпмиз ўзимизни. Аслида бу каби ҳoлатлар юрагимизни безовта этадиган энг оғриқли масалаларга айланиши зарур эмасми?! Ёки дарсини аглаб ўта олмаётган ҳамкасбимизга йўл-йўриқ

кўрсатиб, камчилигини тузатиш устида ишлашимиз керак эмасми?! Шоир айтганидек, хато қилишини кутиб яшашимиз керакми?! Унда бизнинг юксак маънавият соҳибчилигимиз қаерда қолади?! Мазрифат ва маънавият масканларида ғийбат ва фиску фасод, турли иғво ва бўҳтонлардан кўра, инсонни эзгулик сари йўлайдиган илм билан шуғулланишимиз жоиз эмасмикан? Юрагимизни поклайдиган, илоҳий нур каби қўнғил уйимизни обод айлалдиган мунаввар ёғду — маънавиятни англаш йўлидаги ишларимизни тартибга солиш вақти келмадикиан?! Ушбу саволларга қўнғилмиз истаган жавобни ололмас эканмиз, янги маънавий маконни яратиш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар қўламини қандай хис қиламиз?! Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “Янги маънавий макон нима? Менинг назаримда, у биз орзу қилаётган янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси аяқол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз бахтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир”. Албатта, ушбу маърифатли жамиятни қуришда бизга маънавият ёрдам беради. Шунингдек, ушбу жамиятни барпо этишда профессор-қитувчилар ҳам асосий куч ва таянч бўлади.

Янги Ўзбекистон стратегияси бу йўлда нурли келажакимиз учун муҳим дастур, эзгулик нуруни улашишда маёқ вазифасини ўтайди, десам муболага бўлмайди.

Нурли келажак учун қадам ташлаётган ёшлар — порлоқ истиқболимиз ворислари учун қилаётган ибратли ишларимиз хайрли бўлсин!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳриратга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавoбгар.
Газета таҳрират компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чoп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3951
75974 нусхада бoсилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида бoсилган. Қoғoз бичими А2.
Баҳoси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ бoсмахoнасида чoп этилди.
Бoсмахoна манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Бoсмахoна телефoни: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурoд Абулфайзoв
Мусахҳис: Асoлат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбoутчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:55 Топширилди — 00:10